

# СССР БИЛАН МҲР УРТАСИДА БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

СОВЕТ ПАРТИЯ-ХУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ  
МХРДАН ЖЎНАВ КЕТДИ

## САМОЛЁТ БОРТИДАН ТЕЛЕГРАММА

# СОВЕТ ПАРТИЯ-ХУКУМАТ

ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзosi, Қозғoсiston Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, КПСС Марказий Комитетининг аъзosi, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, КПСС Марказий Комитетининг аъзosi, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. Т. Нo-

# ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

# КАРДОШ

Виктор, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари Н. В. Баников, КПСС Марказий Комитети аъзоллигига кандидат, СССРнинг МХРдаги элчиси А. И. Смирнов бор эди.

Делегация Иркутскда бироз тўхтаб ўтди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев област ва шаҳар раҳбар ҳодимлари билан суҳбатда Владивосток районида АҚШ президенти Ж. Форд билан бўлган учрашув тўғрисида, делегациянинг қардош Монғолия байрамларида иштирок этганлиги ҳақида уларга қисқача ахборот берди. Ўртоқ Л. И. Брежнев мамлакат ички ҳаётининг баъзи масалаларига ҳам тўхталиб ўтди.

# ADULT

Уртоқ Л. И. Брежнев ва делегация аъзолари 27 ноябрь кечини Москвага қайтиб келишди.

Внуков аэродромда ўртоқ Л. И. Брежневни А. А. Гречин, В. В. Гришин, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельш, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, В. Н. Пономарев, М. С. Соломкин, Д. Ф. Устин

## VIRALITY

КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат С. Х. Цвигун, КПСС Марказий Комитети ревизия комиссиясининг аъзолари К. М. Боголюбов, О. Б. Рахманин, Г. К. Цивнев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. Н. Блатов ва бошқалар кутиб олдилар.

(ТАСС).





Совхоз ташкил топган куннинг 10 йиллиги мукофотлар ва энгил автомашиналар билан таъдирландилар. Суратда: (ўнгда) район партия комитетининг биринчи секретари К. Б. Мамедов илгор чўпон П. Мусрипов та фахрий ёрлик тошпирмоқда. Мукофотта сазовор бўлган илгор чўпонлардан Қ. Тўғрибоев, Социалистик Меҳнат Қахрамони Н. Шўйбеков, бўлим бошқарувчиси Т. Бердалиев, чўпонлардан О. Агабоев, Қ. Жамиллов ўртоқлар. Пастда—илгор чўпонларга таъдир қилинган энгил автомашиналар.



учун етарли ем-хашак, ширали озуқалар жамғарилган.

Ҳўжалигимиз иқтисодий кудрати йил сайин мустаҳкамланиб, чўпонларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб бормоқда. Кейинги уч-тўрт йил ичида 50 хонадон янги замонавий уйлارга қўчиб чиқди. Кишлоқни яқин кунлар ичида сув билан таъминлаш ишлари қизғин олиб борилаётган. Шунингдек чўлда 89 километрлик асфальт йўли қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Шу йилнинг ўзига янги шифохона, санкиз йиллик мактаб қурилиб ишга туширилди.

Чўпонларимиз зиммаларига олган йиллик маҳсулот тошпиринг планларини алақачон ошпириб бажардилар. Давлатга 665 тоннага яқин гўшт, 957 центнердан ортиқ жун тошпирди.

Ҳўжалигимиз чўпонлари совхоз ташкил топган куннинг 10 йиллигини ана шундай меҳнат муваффақиятлари билан қаршиладилар. Бу кун чўпонлар учун хатта байрам тантанасига айланди. Бир неча ўн киши энгил автомашина билан таъдирланди. Тажрибали чўпонларимиздан бир нечаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги ва Юбилей медаллари билан мукофотланди.

Виз қўлга киритилган ана шу муваффақиятларини анада мустаҳкамлаб, йилдан йилга элимизга кўплаб чорва маҳсулотлари етказиб бериш йўлида астойдил меҳнат қилаверамиз.

## СЕРМАҲСУЛ ҚУЙЛАРНИ КУПАЙТИРАМИЗ

ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ ЖАМБУЛ НОМИ СОВХОЗ ДИРЕКТОРИ РАҲМАТУЛЛА САЪДУЛЛАЕВ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

давлатга 642 тонна гўшт сотилган бўлса, бу йил бу рақам минг тоннага етди. Шунингдек, жун, галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам бир неча баробар ортди.

Совхоз чўпонлари ва чорвачилик мутахассислари илгор тажриба ва фан йутқуларига асосан иш юритмоқдалар. Асосий ишлар комплекс механизациялаштирилган. Қўйларни озиклантириш, сугориш ишлари механизация билан бажарилмоқда. Натижада маҳсулот таннари арзонлашмоқда. Кейинги бир неча йил ичида жун ва гўшт етиштириш анча арзонлашди.

Ҳўжалигимизда қўлга киритилган муваффақиятларнинг яна бир нақили қўйлар зотини йилдан-йилга яхшилаб боришдир. Маҳаллий қўйлар билан Туркменистон бўлса, ўтган йили 100 минг сўмга яқин соф фойда олинди. Бу йил эса соф фойдани 150 минг сўмга етказиш мўлжалланмоқда. Беш йилликнинг дастлабки йилида

келтирилмоқда. Шунинг учун ҳам давлатга мўл жун ва гўшт етказиб берилаётган. Сўнгги йилларда ҳар беш қўйдан жун олиш 3 килограммга етказилди. Гўштга тошпирилган қўйларнинг вазни эса 45—50 килограммдан кам бўлмапти.

Совхозимизда ажойиб чўпонлар — йилов баҳодирлари бор. Улар йил сайин самарали меҳнат қилиб, катта обрў-этиборга сазовор бўлмоқда. Шулардан бири, моҳир чўпон, Социалистик Меҳнат Қахрамони Номзобой Шўйбековнинг номи областдагина эмас, бутун республикага таниш. Номзобой ана бу йил ҳар юз бош совлиқдан 127 тадан қўзн олиб, юқори кўрсаткични қўлга киритди.

Номзобой Шўйбеков беш йиллик тўрт йилда бажариш ташаббусини бошлаб берган эди. Ҳозиргача 2210 бош ўрнига 2364

бошдан ортиқ қўзн олиб, беш йиллик плани бажарди. Жун, гўшт етиштириш планлари ҳам муваффақиятли яқунланди. Тажрибали чўпон келгуси беш йиллик ҳисобига ишламоқда.

Меҳнат Қизил Байроқ орденчи навалари Нўлат Мусрипов номини ҳам ҳамма ҳўрмат билан тилга олади. Алтўра Иброҳимов, Қўйлибой Исамов, Нишанбой Бозорбеков, Муса Қўзиев, Қўрдабой Тўғрибоев, Бектой Керимкулов ва бошқа қатор чўпонлар қўйлардан 120—125 тадан қўзн олиб обрў-этибор топмоқдалар.

Ҳўжалик ишини плани ташкил этишда ва чорвачиликни юксалтиришда малакали мутахассисларнинг ҳам ҳисси каттадир. Ҳозиргача ҳўжалигимизнинг турли тармоқларида 80 дан ортиқ олий ва ўрта маълумотли кадрлар ишламоқда. Совхоз бош зоотехниги Шерали Муслимов, би-

ринчи бўлим зоотехниги Ойбек Қошқирбоев, ветеринария врачси Анқобой Салибоевлар шулар жумласига кириди. Ана шу фидокор, тажрибали, ишбилармон кадрларнинг меҳнати, ташаббускорлиги туфайли меҳнатда янги зафарлар қўлга киритилмоқда.

Олдинлари ҳўжалигимизда оссеменаторлар етишмас эди. Аниқ қўйларни сунъий қочирини пайтида бошқа ҳўжаликлардан мутахассислар жалб қилинарди. Кейинги йилларда малакали оссеменаторлар тайёрлашга алоҳида эътибор берди. Ҳозирги кунда совхозимиз бўлим бошқарувчилари ва 12 оссеменатор ўз вазифасини сийдиқидан адо этмоқда.

Олдинги йилларда ҳўжалигимиз, да сугориладиган ерлар жуда нам микдорда эди. Биз Сирдарё бўйидаги лалмикор ерларга сув чиқардик. Натижада ҳозиргача минг

гектарга яқин ер ўзлаштирилиб, бу ерлардан дағал хашак ва бошқа сервитамин озуқалар олиномоқда. Галла етиштириш ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Ҳўжалигимизда изень ўти етиштиришнинг йўлга қўйилганлиги айниқса қувончлидир. Қор қалин ёққан кўнларда ҳам қўйларни очик ҳа, вода изень ўти билан боқиш имкони туғилди. Ҳозирда 650 гектарга яқин ерда изень ўти ўстирилмоқда. Бу йил эса уни минг гектар ерда ўстириш учун курашилмоқда.

Бу йил ҳўжалигимизда ҳар йилгидан мўл озуқа жамғарилди. 4000 тонна ўрнига 8700 тоннадан ортиқ дағал хашак тайёрланди. Ҳар бир қўлга 1.5 центнердан хашак тайёрлашга эришилди. 1100 тонна силос, 500 тоннага яқин жўхори дони ҳозирланди. Чўпонларимиз қишлоғга пухта ҳозирлини кўрмоқдалар. Совхозимиздаги маъжуд 85 қўра, қўйларнинг ҳаммаси иссиқ ерости қўралари билан таъминланган. Ҳар бир қўра бошида қишло

### ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕКОВ. Райондаги «Коммунизм» Дзержинский номи колхозлардаги қўлгина бригадалар пахта етиштириш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариб, келгуси йилга тайёргарлик қуришни кучайтириб юбордилар.

Навоий номи колхозининг Мирзабек Урозалиев бошлиқ бригадаси деҳқонлари ҳам шу йил қишлоқни намунали ўтказмоқдалар. «Победа» колхозини, 4-«Давлат» совхозининг илгор бригада ва бўлимларида шўдурлаш қисқа муддат ичида сифатли туғалланди. Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш бошлаб юборилди.

Н. ДЕКҚОНОВ,  
А. ХАЙДАРОВ,  
Х. ОТАҚУЛОВ,  
А. АЛЛАНАЗОВ.

ЧИНОЗ. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Аббос Исмоилов бошлиқ бригадаси деҳқонлари 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 ўрнига 40 центнерга етказиб хирмон кўтаришди.

Биз, — дейди бригада бошлиғи, — еришилган йутқуларни мустаҳкамлаб, 1975 йил ҳосилига пухта замин яратиш ишларини кучайтириб юбордик.

А. ФАРМОНОВ,  
И. ИСМОИЛОВ.

ПИСКЕНТ. 1-«Пискент» совхозининг 3- ва 4-бўлимлари бир-бирлари билан мусобақалашиб, пахтачиларни ривожлантиришда улан йутқуларни қўлга киритдилар. Улар гектардан 35 центнердан ошпириб пахта тошпириб, социалистик мажбуриятларини ортиги билан адо этдилар.

Мажбурият бажарилган бўлса ҳам, далада иш бўшаптирилгани йўқ. Ишчилар экинлардан бўшаган майдонлардаги ғўзапоиларни йиғиштириб, шўдурлашга куч бердилар. Қаргалар 30—35 сантиметр қўқурликда шўдур қилиб қўйилди. Далага кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Бўлим ишчилари ариқ-зовурларни ҳам қисқа вақт ичида тартибга келтириш тадбирларини кўрмоқдалар.

2-«Пискент» совхозини коллектив ҳам келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратиш юзасидан кузги-кишми ишларини кучайтириб юборди.

С. АХМЕДОВ,  
М. СОНПОВ.



### КАСБИМИЗ — ФАХРИМИЗ

Менинг механизатор бўлиб ишлаётганимга 30 йилдан ошди. Шу давр ичида хилма-хил машиналарда ишладим. 1949 йилда СХМ-48 терим машинасида пахта терганим «Али-ҳали эсимда». Ўша йили мавсумда 30 тонна пахта терган эдим. Шунинг ўзи ҳам биз пахтакорларга катта қувонч бағишлаган эди. Агар бу рақамни кейинги йилларда эришган йутқуларга солиштирсак катта фарқ кўриладим. Мен кейинги йилларда 210—250 тоннадан пахта териб келмоқдам.

Бу йил мен ХН-3.6 маркали тўрт қаторли машина билан 280 тонна пахта тердим. 17 сентябрда теримга тушган бўлса, теримнинг биринчи кунларидан ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта териб олдим. Иккинчи теримда эса ҳар гектар ердан олган пахта ҳосили 35 центнерга етди. Маъсул даво

мида бригада бўйича ҳар гектар ердан 45 центнердан, колхоз бўйича эса ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта териб олдим.

Колхозимизда машина теримига катта аҳамият берилаётганлиги сабабли, бу йил терим жуда қисқа муддатда ва сифатли ўтказилди. Қундалик суръат юқори бўлди. Октябрнинг биринчи беш кунлигида ҳар кун 8—9 процентдан пахта тайёрлашга эришдик. Ҳўжалигимизда районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини ва ундан кейин социалистик мажбуриятини бажардик.

Биз механизаторлар бундан кейин ҳам ўз касбимизни шарафлаб, машиналардан кўп пахта теришга эришамиз.

Элбой ОЧИЛОВ,  
Бўжа районидagi «Октябрь» 40 йиллиги колхозининг механик-ҳайдовчиси.

### МОҲИР СУТ СОҒУВЧИ

Гулбан Мусақулова Бўстонлик районидagi Карл Маркс номи колхозда кўп йиллардан бери сут соғувчи бўлиб ишлайди. Унинг меҳнати партия ва ҳўкуматимиз томонидан муносиб таъдирланган. Г. Мусақулова Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Гулбан опа ўзига биркирилган 25 бош ситирини яхши парварини қилиб, улардан йил сайин кўплаб сут соғиб олишга эришмоқда. Юбилей йилнинг тўққиз ойи мобайнида у ҳар бош ситирдан пландаги 2100 ўрнига 3000 килограммдан

ошириб сут соғиб олди. Ҳаммаси бўлиб 497 центнер ўрнига 780 центнер сут соғиб олиб, колхозда биринчи ўринни эгаллади.

Г. Мусақулова шу кунларда катта ғайрат билан ишлайди. Йил охирига қадар яна ўз боқимидаги ситирлардан 120 центнер сут соғиб олиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилляпти.

Сутчилик фермасининг бошқа соғувчилари ҳам Гулбан опа Мусақуловани намуна олиб, планда белгиланганидан анча кўп сут соғиб олишга эришдилар.

З. МАСАТОВ.

## Дунё хабарлари

### ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Бутун жаҳон матбуоти, кенг халқаро жамоатчилиги 23—24 ноябрда Владивосток районидagi олий даражада ўтказилган Совет-Америка учрашуви якуналарини аўр мамуният билан кутиб олди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШ президенти Ж. Форд билан тўғалганлиги музокаралини тўғалганлиги хабарлар радио ва телевидение эшиттириларида асосий ўрин олмоқда ва газеталарнинг кўта-иққол ташланганидан ўринлариди босиб чиқарилаётган.

Америка матбуоти Владивостокдан олган хабарлариди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШ президенти Ж. Форд билан суҳбатлари дўстона, амалий муҳитда, самимий ва ҳамжиҳатлик вазиётида ўтганлигини яқинлиқ билан таъкидламоқда.

АҚШнинг барча информатсия агентликлари Совет-Америка кўшма баёнотига тилиб, қуйилганларни қайд қилдилар: Л. И. Брежнев билан Ж. Форд стратегия ҳужум қўроллари янада чеклаш тўғрисидаги масалани батафсил музокама қилдилар ва бу масала юзасидан узоқ муддатга мўлжаллан-

ган битимни тузиш СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларини яхшилаш ишига, уруш хавфини қаматириш ва халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўйилган анча катта ҳисса бўлаётганини таъкидладилар.

Болгария газеталарида Л. И. Брежнев билан Ж. Форднинг музокаралини тўғрисидаги хабарларини «Совет Иттифоқининг тинчлик йўлидаги ҳужуми давом этмоқда», «Совет-Америка муносабатларини яхшилашга қўйилган янги ҳисса» деган сарлавҳалар остида босиб чиқармоқдалар. Болгария халқи, деб ёзади «Работническо дело» газетаси, ҳар икки мамлакат раҳбарлари учрашувининг якуналарини таъриқлайди. Бу учрашув тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги янги қадам бўлди.

(ТАСС 25 ноябрь).

### К. ТАНАКА ИСТЕЪФО БЕРДИ

ТОКИО. 26 ноябрь. (ТАСС). Япония бош вазирлиги К. Танака бугун истеъфо берди. Айни вақтда у ҳўкўмрон либерал демократик партия раиси лавозимидан ҳам кетди. Аммо К. Танака либерал демократик партиянинг янги раиси сайлангўна қадар ҳўкумат бошлиғи

лавозимини бажариб туради. Янги ҳўкуматни тузиш ЛДПнинг янги раисига тошпирилди. Партиянинг янги раиси 10 декумбрда сайланиши керак, деб кўтмоқдалар.

Ҳўкўмрон партияда тангликнинг тобора кучайганлиги К. Танаканинг истеъфо беришига

энг асосий сабаб бўлди. Бу танглик аллақачонлар етилган эди. Пул қар-қимматининг тушганлиги, нарх-навоининг тиймай ўсиши, турмуш даражасининг пасайиши, иқтисодий тушқунлик туфайли эртаги кунларнишонсизлик — мана шуларнинг ҳаммаси консерваторлар

### КУБА ХОТИН-КИЗЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

ГАВАНА. 26 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда Куба хотин-қизлари федерациясининг II съезди очилди. Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, революцион ҳўкумат бош вазирлиги Фидель Кастро, республика президенти Освальдо Дортикос ва бошқа раҳбарлар съезд президумидан жой оладилар. 2 мингга яқин делегат аёл яқинлиқ билан фахрий президумини ҳам сайладилар. Фахрий президум составида совет хотин-қизлари комитетининг раиси В. В. Николаева-Терешкова, Чили марҳум президентининг рафиқаси Ортенсия Буэсси де Альенде бор. Съезд ишда 55 чет эл делегацияси иштирок этмоқда.

Куба хотин-қизлари федерациясининг раиси Вильма Эспино доклад қилди.

ҳўкуматининг обрў-этиборини тушириб қўйди. Парламентнинг юқори палатасига вада бўлиб ўтган сайлов давомида бу нарса айниқса яққол намоён бўлди. Шу сайлов натижасида ЛДП палатада ҳўкўмронлик мавқеидан маҳрум бўлди, ўз навбатида партиялар эса ўз мавқени мустаҳкамлаб олди.

В. ЗАЦЕПИН.

### У. ТАН ВАФОТ ЭТДИ

НЬЮ-ЙОРК. 26 ноябрь. (ТАСС). У Тан бу ерда 65 ёшида вафот этди.

У. Тан 1962 йилнинг ноябридagi то 1971 йилнинг декабридаги БМТ бош секретари лавозимиди ишлаб, тинчликни мустаҳкамлаш, қўроқсизликни, мустақимликни, мамлакатлар ва халқларнинг муштараклигини ёрлаб келди, тинч-тотув яшаш шўёсатини ва инзоли халқаро масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишни қувватлаб бир неча бор фикр билдирди.

У. Тан Бирма ҳўкуматининг вазирлиги сифатида ҳам, БМТ бош секретари сифатида ҳам Совет Иттифоқига бир неча марта келганди. У Москва давлат университетининг юридик фанлари фахрий доктори қилиб сайланган эди.



«Йили халқи ғалаба қилади», «Йили халқи билан ҳамкоримиз». Бугунда чили халқи билан ҳамкорликка бағишланган намоиш ана шундай шпир остида ўтди. Ўн минглаб қозимбияликлар пойтахт қўчаларига чиқди. Суратда: намоиш қатнашчилари.

Н. Уртмицев  
фотоси.

ТАСС фотозвоникаси.

